

Аҳоли муурожаатларини ўрганиш ва ижобий ҳал этиш муҳим вазифа



Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналишда фуқаролар муурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ ўрганиш ҳамда улар юзасидан қонуний чоралар кўришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ташкилот раҳбарларининг муурожаатлар билан ишлашда шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Бугун Қумқўрғон тумани ҳокими Анвар Нормаматов иштирокида ўтказилган йиғилишда аҳоли муурожаатларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал қилиш ҳамда кунлик кўрсаткичлар рейтинги таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг ўтган вақти давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда олиб бориш, туман ташкилот ва корхоналарига аҳоли томонидан келиб тушган муурожаатларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, муурожаатларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.